




ЭНГ ЯҚИН ҚЎШНИ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг таклифига биноан 20-21 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



21 октябрь куни Туркменистон Президентининг қароргоҳи — “Ўғузхон” сарой мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг Президентлар тор доирада музокара ўтказди.

Давлат раҳбарлари қардош халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничиликка асосланган икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт-логистика, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари музокараларнинг асосий мавзуси бўлди.

Кейинги йилларда амалий ҳамкорликнинг

барча йўналишларида катта натижалар бўлгани таъкидланди. Олий даражада эришилган келишувлар “йўл харитаси” асосида муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасида мунтазам мулоқот ва сермахсул алмашинувлар олиб борилмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов ушбу учрашув Ўзбекистон билан Туркменистоннинг кўп қиррали стратегик шериклиги ривожига янги суръат бағишлашига ишонч билдирдилар.

Халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан батафсил фикр алмашилди, жумладан, Марказий Осиёда ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик барча йўналишларда изчил кенгайиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

— Минг йиллар давомида ўзбек ва туркман халқлари ёнма-ён яшаб, бир-бирига таянч бўлиб келганлар, — деди Шавкат Мирзиёев.

Кейинги ойларида давлат раҳбарлари олтинчи марта учрашаётгани Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги ўзига хос муносабатларнинг ёрқин далилидир.

Президентимиз Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов мамлакатларимиз ўртасидаги жадал ривожланиб бораётган бугунги ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришга улкан ҳисса қўшганини қайд этди.

Иқтисодиёт икки томонлама муносабатларнинг етакчи кучи бўлиб хизмат қилаётгани, мамлакатларимизнинг улкан салоҳиятини ишга солиш учун кўпроқ ҳаракат қилиш зарурлиги таъкидланди. Кейинги йилларда ўзаро савдо жадал суръатда ошиб бормоқда.

Томонлар кооперация лойиҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Саноат, энергетика, кимё тармоғи ва қишлоқ ҳўжалиги каби устувор тармоқларда янги лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни кучайтиришга келишиб олинди.

Транспорт соҳаси — ҳамкорликнинг стратегик йўналишларидан бири. Давлат раҳбарлари “Шарқ — Ғарб” ва “Шимол — Жануб” йўналишларида, жумладан, Туркманбоши порти имкониятларидан фойдаланган ҳолда транспорт йўлақларини фаол ривожлантиришга аҳдлашиб олдилар.

Мамлакатларимиз сув соҳасида юксак даражада ҳамкорлик қилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Тошкентда имзоланган Амударё бўйича битим кенг қўламда амалга оширилмоқда.

Худудлараро алоқаларни янада кенгайтириш ва маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор йўналишлар сирасига қиради. Президентлар фан, таълим, санъат, кино ва туризм соҳаларидаги алмашинувларни фаоллаштириш зарурлигини қайд этдилар.

— Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга, икки мамлакатнинг раванқига хизмат қилишига ишонамиз, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Сўнг ҳужжатларни имзолаш ва алмашиш маросими бўлиб ўтди.

▶ Давоми 2-бетда

24 ОКТАБРЬ — БМТ ТАШКИЛ ТОПГАН КҮН



ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ КАТТА ЮТУҒИ

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари, сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий қарама-қаршиликлар инсониятнинг маънавий дунёсини юксалтиришни талаб қилмоқда. Дунёнинг сиёсий манзараси давлатлар ва мамлакатлар ўртасида тинчлик ва барқарорлик йўлида самарали ҳамкорликни кучайтириш заруриятини вужудга келтирмоқда. Жаҳон халқлари ва мамлакатлари ўртасида ўзаро алоқаларни мувофиқлаштиришда Бирлашган миллатлар ташкилотининг аҳамияти нихоятда муҳимдир.

БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида сақланадиган машҳур эрон гиламига Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарларидан олинган “Олам аҳли бир тананинг турли аъзолари бўлиб, у бамисоли гавҳар каби яратилгандир. Агар тананинг фақат бир қисми яраланган бўлса, шунда бутун вужуд титрайди” мазмунидаги байти

ёзилган. Ушбу байтда олам бир бутунлиги, агар қаердадир уруш ёки низо юз берса, унинг оғриғи бутун танага ёйилиши таъкидланган.

БМТ ҳозирга қадар инсоният тарихидаги ягона универсал халқаро ташкилот сифатида фаолият олиб бормоқда.

▶ Давоми 2-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ — РЕАЛ ВОҚЕЛИК

Янги Ўзбекистоннинг жадал тараққиёти мамлакатимиз ва халқимиз тарихининг ўзига хос янги даврини бошлаб берди. Тараққиёт бутун моҳияти билан давлат ташқи ва ички сиёсати ялпи ривож, фуқаролар онги ва тафаккури тубдан ўзгариши, миллат интеллектуал салоҳияти реал воқеликка айланиши сингари қадриятлар жамулжами ҳисобланади.

Ўтган салкам етти йиллик тараққиёт ҳақида гап борар экан, энг аввало, ана шу тарихий ва ижтимоий ҳодисага айланаётган стратегик мақсаднинг асослари, илдилари, унинг моҳияти ва қўламини хусусида фикр юритишга тўғри келади. Зотан,

миллат ва давлат тақдирини, унинг буюк яратувчилик қудратини ўзида ифода этган, ғоят маҳобатли стратегик мақсад тасодифан дунёга келган эмас. Унга бир неча цивилизациявий ҳодисаларга гувоҳ бўлган, инсоният ҳаётига маданият олиб кирган,


жаҳон тараққиётига мисли кўрилмаган ҳисса қўшган ўзбек халқининг тарихий тараққиёти босқичлари, динамикаси, эволюцияси муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

▶ Давоми 3-бетда



ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Тошкент шаҳри 2045 йилгача: МАҚБУЛ ШАҲАРСОЗЛИК, ҚУЛАЙ ИНФРАТУЗИЛМА, КўПРОҚ ЯШИЛЛИК



▶ 4-бетга қаранг

ИФТИХОР


ФАЙЗИ ВА ШУКУҲИ ЎЗГАЧА АЙЁМ

Пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — миллат, маънавият ва маърифат байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Кейинги йилларда она тилимиз мавқеи ва мақоми юксалтириш борасидаги ишлар мутлақо янгича босқичга кўтарилди.

“Тарихимсан, тақдиримсан, келажакимсан, она тилим!” деб номланган тантанали маросимда зиёлилар, давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи, шоир, тилшунос, адабиётшунослар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

▶ Давоми 6-бетда



ЭНГ ЯҚИН ҚЎШНИ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Бундан ташқари, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида кўп қиррали Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар, шу жумладан:

— Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида сиёсий мулоқот, парламентлараро, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, маданий-гуманитар алмашинуви фаоллаштириш бўйича 2022–2024 йилларга мўлжалланган Амалий ҳаракатлар режаси;

— Икки томонлама ташқи иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳудудларида савдо уйлари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида битим;

— Гидрометеорология соҳасида илмий-техник ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича Амалий чора-тадбирлар режаси;

— Дори виситалари ва тиббиёт буюмларини рўйхатга олиш тўғрисида битим имзоланди.

Шунингдек, электр энергетикаси, боғхона иши, ветеринария ва чорвачилик, кинематография ва бошқа йўналишлар юзасидан келишувларга эришилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида оммавий ахборот виситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва у орқали қардош туркман халқига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Туркменистонда Сердар Бердимухамедов раҳбарлигида амалга оширилган икки ва ташқи сиёсат тўғрисидаги декларация катта ютуқлардан Ўзбекистон чин дилдан хурсанд экани таъкидланди.

Муштарак сиёсий ирода тўғрисида кейинги йилларда Ўзбекистон — Туркменистон

муносабатларига мутлақо янги руҳ бағишлангани ва икки томонлама ҳамкорлик стратегик тус олгани таъкидланди.

— Туркменистон билан шерикликни янада мустаҳкамлаш — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўзгармас устувор йўналиши, — деди давлатимиз раҳбари.

Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириши Ўзбекистон — Туркменистон шериклигининг асоси сифатида белгилаб олдилар. Сувдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий тусдаги фавулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш борасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун конструктив мулоқотни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Парламентлараро мулоқот ва халқ дипломатиясини янада кенгайтириш, ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш, маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

— Маданий-гуманитар алоқалар қардош халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстликнинг тамал тоши, асоси бўлиб келган, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш мақсадида келгуси йилда икки томонлама Маданият ва кино кунлари, фестиваллар ва бошқа тадбирларни ўтказишга келишиб олинди.

Давлатларимизнинг халқаро ва минтақавий сиёсатга оид долзарб масалалар юзасидан позициялари муштарак экани қайд этилди.

БМТ, ЕХҲТ, МДХ, ШХТ, ТДТ, ОҚХФ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасидаги фаол ҳамкорлик давом эттирилди.

— Биз Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасидаги минтақавий ҳамкорликни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга келишиб олдик, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Бундан ташқари, давлат раҳбарлари Афғонистонда вазиати тез фурсатда барқарорлаштириш ва муҳим инфратузилма лойиҳаларини илгари суришга қаратилган сайёҳаракатларни кенгайтиришга аҳдлашиб олдилар.

Туркменистонга расмий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу мамлакат Парламентининг юқори палатаси раиси Гурбангули Бердимухамедов билан учрашди.

— Бугун қардош Туркменистон миллий бирликни ва тарихий-маданий анъаналарни сақлаш асосида жадал ривожланмоқда. Бу бутун дунёда ўзининг юксак эътирофига сазовор бўлди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Гурбангули Бердимухамедов биродар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга ҳамда уларни чуқур стратегик шериклик даражасига олиб чиқишга шаҳсан ҳисса қўшгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон — Туркменистон алоқалари ўзаро ҳал бўлмаган масалалардан холи давлатлараро шерикликнинг ҳақиқий намунаси экани мамнуният билан қайд этилди.

Парламентлар ўртасидаги мулоқот халқларимизнинг янада яқинлашишида энг муҳим омил экани таъкидланди.

— Олий даражада эришилган келишувларнинг бажарилишини мониторинг қилиш учун парламентлараро ҳамкорлик салоҳиятидан бундан буён ҳам самарали фойдаланишимиз лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Шавкат Мирзиёев Ашхобод шаҳридаги “Halk hakudasy” (“Халқ хотираси”) ёдгорлик мажмуасида бўлди.

Бу мажмуа 1880–1881 йиллардаги Гўктепа жанги, Иккинчи жаҳон уруши ва 1948 йилдаги Ашхобод зилзиласига бағишланган уч қисмдан иборат. Марказий монумент ортида шу муҳим воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи музей ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари ўтганлар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гул қўйди. Музей экспонатлари билан танишиб, Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистонга расмий ташрифи доирасида Махтумқули номидаги Туркменистон давлат университетига ташриф буюрди.

Ешлар, санъат усталари давлатимиз раҳбарини тантанали кутиб олди.

Президентимизга ушбу университетнинг Фахрий профессори унвонини бериш маросими бўлди. Университет ректори Байрамгул Ораздурдиева ва Туркменистон Фанлар академияси президенти Аллаберди Аширов Шавкат Мирзиёевга

Фахрий профессор либоси ва тегишли унвон берилгани тўғрисидаги сертификатни тантанали топширди.

Учрашув иштирокчиларига мурожаатида мамлакатимиз етакчиси ушбу унвон учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Президенти таълим ва тарбия азал-азалдан давлатлар ва халқлар тараққиётини белгилаб берувчи, уларнинг кудратини юксалтирувчи куч бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

— Ҳар қандай жамиятнинг келажаги бугунги ёш авлод нақадар билимли ва ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига бевосита боғлиқ. Айнан шунинг учун Ўзбекистонда Туркменистонда бўлгани каби таълим-тарбия тизимида туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бизнинг мақсадимиз — Янги Ўзбекистон ёшларини дунёқароши кенг, креатив фикрлайдиган, Ватан тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр баркамол шахслар сифатида вояга етказиш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида халқаро сиёсат масалаларига тўхталиб, вужудга келаётган янги хатар ва таҳдидларга ўз вақтида жавоб қайтариш учун минтақа мамлакатларининг саёй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

— Вазиятдан чиқиннинг бирдан-бир йўли — ҳар бир давлат, ҳар бир халқнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган конструктив мулоқот, — деди Президентимиз.

Сўзининг якунида Шавкат Мирзиёев Махтумқули номидаги Туркменистон давлат университети юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг шонли анъаналарини давом эттириши, унинг битирувчилари эса Туркменистон янада ривожлантиришдек олижаноб мақсадга шараф билан хизмат қилишларига ишонч билдирди.

Туркменистон давлат университети мамлакатнинг биринчи ва энг йирик олий ўқув юртидир. У 1931 йилда очилган Ашхобод педагогика институти негизида ташкил этилган.

Ўзбекистон Президенти университет ҳаётига оид кўргазмани ҳам кўздан кечирди.

Бу ерда фаолият юритаётган 12 та — математика, физика, кимё, биология, география, тарих, туркман ва хорижий тиллар, ахборот технологиялари ва ҳуқуқшунослик факультетларида 7 мингдан зиёд талаба таҳсил олмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳамроҳлигида Ашхободда “Тошкент” боғининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Боғ Туркменистон пойтахтининг Махтумқули шоҳқўчасида, гавжум масканд жойлашган. Уч гектар майдонда ландшафтли гулзорлар ташкил этилган, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари нуҳсалари барпо этилган.

Давлат раҳбарлари бу ерда яратилган шароитларни кўздан кечирди. Эзу ниятлар ифодаси сифатида боққа дараклар эҳди.

Ўзбек ва туркман миллий куй-қўшиқлари ижро этилди. Президентлар шу ерда тўйини нишонлаётган ёш оилага бахт-саодат тилади.

Маросимда икки мамлакат расмий делегациялари, Ашхобод жамоатчилиги вакиллари, ёшлар қатнашди.

Маълумки, Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Тошкентда “Ашхобод” боғи очилган эди. Бу икки боғ Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари ўртасидаги узвий ришталарнинг ифодаси бўлди.

Шу ерда “Хоразм — Тошовуз” чегараолди савдо зонасининг қурилишига бағишланган маросим бўлди.

Чегараолди савдо зонаси икки мамлакатнинг чегарадош ҳудудида, “Шовот — Тошовуз” ўтказиш пункти ёнида қурилмоқда. Унинг умумий майдони 20 гектарни ташкил этади.

Ушбу маскани барпо этиш ишларини давом эттириш ва унинг фаолиятини тартибга солиш бўйича баённома ҳам имзоланди. Ҳудудда савдо расталари, омборхоналар, контейнерлар учун майдончалар ва тадбиркорлар учун иш жойларидан иборат замонавий инфратузилма яратиш режалаштирилган.

Хоразм ва Тошовуз вилоятлари оқсоқоллари, мутасаддилар видеоалоқа орқали барчани ушбу воқеа билан табриклаб, қурилишни бошлашга рухсат сўради.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари бу хайрли ишга оқ фотиҳа берди.

Икки халқ дўстлиги ва фаровонлигига хизмат қиладиган яна кўплаб қўшма лойиҳалар амалга оширилишига ишонч билдирди.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга расмий ташрифи якунланди.

ЎЗА

24 ОКТАБРЬ — БМТ ТАШКИЛ ТОПГАН КҮН

ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ КАТТА ЮТУҒИ

Обйек АБДИМҲИНОВ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бошланиши 1-бетда

Ташкилот кишилар ҳаётида вужудга келаётган турли маҳаллий, минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишга ҳамда ўз фаолиятида барча соҳаларни қамраб олишга ҳаракат қилаётган халқаро тузилмадир. Унинг асосий мақсади — инсоният тинчлиги, миллатлар ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантириш ва барқарор тараққиётга эришиш. БМТга аъзо давлатлар ўз ташаббус ва фикрларини баён этиш, манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқларига эга.

БМТ 1945 йили АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида низоми имзолангандан бошлаб фаолият олиб бормоқда. Ушбу низоми 24 октябрдан кучга кирган ва шу кундан эътиборан БМТ расман ташкил топди. Дастлаб унга 51 давлат аъзо бўлган, бугун Ташкилотга 193 мамлакат бирлашган.

Ташкилот ўз фаолияти давомида дунёда тинчлик ва фаровонликни сақлашга, давлатлар ва миллатлар ўртасидаги турли можароларни ҳал этишга, келиб чиқиши мумкин бўлган тўқнашувларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Ялпи хавфсизликни таъминлаш, мустамлакачиликка барҳам бериш, қуролсизланиш, ирқий камситиш, касалликлар ва қашшоқликка қарши курашиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, экологик хавфларни бартараф этиш каби глобал муаммоларни ечиш масалаларида БМТнинг халқаро ташаббуслари ва ютуқлари унинг нуфузи ошиб боришини таъминлади.

1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ташкилотнинг умумжаҳон миқёсидаги улкан ютуғи бўлди. Бу ҳужжат давлатлар мустақиллигини кўлга киритиши, инсонлар ирқи, тили, дини, миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли экани эътироф этилиши учун асос бўлди. БМТ ташкил топган вақтда дунё аҳолисининг учдан бир қисми мустамлака

мамлакат эди. Ташкилот ташаббуси билан 100 га яқин давлат ўз мустақиллигини кўлга киритди.

БМТнинг Бош Ассамблея, Хавфсизлик кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши, Васийлик кенгаши, Халқаро суд ва котибиятлари сингари олти баш орган, ўттиз бешдан ортиқ турли йирик муассаса ва дастурлари, ўн еттита махсус ихтисослашган муассасалари мавжуд.

XX аср охири ва XXI аср бошларида жаҳонда юз берган сиёсий жараёнлар БМТ фаолиятини қайта ислоҳ қилиш заруратини вужудга келтирди. Уни ислоҳ қилиш Ташкилот нуфузини оширишга ва дунёда тинчлик ва барқарорликни қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга эди.

БМТ ислохотлари бўйича Ўзбекистон ўз позициясини бир неча маротаба билдирган. Мамлакатимиз томонидан ташкилот ислохотлари бўйича дастлабки таклифлар 1995, 2000, 2010 ва 2017 йилларда илгари сурилган. Хавфсизлик кенгаши сафини кўпайтириш, унга жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган Германия ва Япония сингари давлатларни доимий аъзо сифатида киритиш, БМТ Бош котиби ваколатларини кенгайтириш, минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини кучайтириш, тузилмаларни янада ривожлантириш шулар жумласидан.

1948 йилдан буён 24 октябрь ҳар йили Бирлашган миллатлар ташкилоти ташкил топган кун сифатида нишонланади. 1971 йилда БМТ Бош Ассамблеяси ўз резолюциясида аъзо давлатларга ушбу кунни давлат байрами сифатида нишонлашни тавсия қилди. Бу кун шарафига Ташкилотнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида катта концерт ташкил этилади ва Бош котиби дунё ҳамжамиятига мурожаат билан чиқади.

Ўзбекистон ва БМТ: тенглар ичра тенг

Ўзбекистон БМТга 1992 йил 2 март куни қабул қилинди ва 1993 йил 24 октябрда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси иш бошлади.



Мамлакатимиз БМТ билан минтақавий хавфсизлик, таҳдидларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, таълим, фан ва маданиятни ривожлантириш, миллий анъаналар, тарихий шахслар ва мейморий ёдгорликларни асраш, қайта тиклаш, уларни умумбашари кадрлар сифатида жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини эътироф этиш каби йўналишларда ҳамкорлик қилиб келади.

Ўзбекистонда БМТнинг Тараққиёт дастури, Соғлиқни сақлаш, Саноатни ривожлантириш, Озиқ-овқат, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилотлари, Аҳолишунослик, Болалар жамғармалари, Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Ахборот ва ижтимоий алоқалар бўйича бўлими, Кўнгилдиллар дастури, Жаҳон банки каби ихтисослашган тузилмалари фаолият олиб боради. Мамлакатимизда БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортиқ халқаро шартномаси, жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ратификация қилинган.

Ўзбекистон БМТ доирасида бир неча глобал ва минтақавий аҳамиятга эга ташаббусларни илгари суриб келаяпти. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида эътироф этиш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, минтақада терроризм, экстремизм иллатлари, экологик муаммолар, Орол фожияси оқибатларини бартараф этиш каби масалалар шулар жумласидан.

Расмий Тошкент БМТ доирасида афғон можаросини ҳал қилишнинг бош тарафдори сифатида 1997 йилда “6+2 гуруҳи” мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Ўзбекистон ташаббуси билан 2006 йил “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисида”ги шартнома имзоланди.

Бойсун минтақаси маданий муҳити, Шашмақом, Катта ашула, Аския, Наврўз, Палов маданияти ва анъанаси, Марғилон хунармандчиликни ривожлантириш маркази, анъанавий технологияларни ишлаб чиқарувчи атлас ва адрасларни ҳимоя қилиш, Лаэзи, Миниатюра санъати, Бахшичилик санъати киритилган. Ушбу рўйхатга маҳалла институти, ўлан, лапар, тановар, кўпқари, халфачилик, миллий таомлардан сумалаки киритиш Ўзбекистон тарихи ва маданиятини халқаро миқёсда тарғиб этишда катта ҳисса бўлди.

Ҳамкорликнинг янги босқичи

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан муносабатларида 2016 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб илғор тенденциялар кўзга ташланб, ўзаро муносабатларда янги босқич бошланди.

2017 йил 10 июнда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш расмий ташриф билан Нукус, Самарқанд шаҳарларида бўлди ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашди. Ўз навбатида, Президентимиз 2017 йил БМТнинг 72-, 2020 йил 75-, 2021 йил 76-сессияларида, шунингдек, 2021 йил БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги маърузаси тарихий нутқ сифатида нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон тарихида ҳам қолди. Чунки ушбу нутқ илк маротаба халқаро доирада ўзбек тилида янгради. Бу нафақат Ўзбекистон, балки хориждаги кўп сонли ватандошларимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигини ҳам ниҳоятда қувонтирди.

Ўзбекистон ташаббусига кўра, БМТ билан ҳамкорликда 2017 йили ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё: ягона тарих ва умий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. 2018 йилнинг 27 март куни “Тинчлик жараяни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида Афғонистон

масаласига бағишланган юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бундан ташқари, 2020 йил август ойида ўтган “Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” Самарқанд форуми, 2022 йили юқори даражадаги “БМТ Глобал аксилтерор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги” халқаро конференцияси ҳам доврўқ қозонди.

2018 йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” ҳамда 2018 йил 12 декабрь куни “Мазрифат ва диний бағрикенглик” деб номланган катта тадбирлар бўлиб ўтди. Шунингдек, 2021 йил Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш тўғрисидаги, 2021 йил БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Пандемия даврида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги резолюциялари қабул қилинди.

2021 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп шериклик асосидаги Траст фонди ташкил этилди. БМТ шафелигида Оролбўйи учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди фаолият бошлади. Бугунги кунда Оролбўйида умумий қиймати 3 миллиард доллардан ортиқ лойиҳалар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Ўзбекистон тарихида илк маротаба БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди ва ҳозирда унинг ишида фаол иштирок этмоқда.

Бу ташаббуслар Ўзбекистон дипломатиясининг муҳим ютуқлари бўлди. Мамлакатимиз ташаббуслари БМТ томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда. Юртимизда амалга оширилётган янгиланишлар, кенг кўламли ўзгаришлар, бу борада БМТ билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари янгича мазмун ва минтақавий аҳамият касб этмоқда.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ — РЕАЛ ВОҚЕЛИК



Оқил САЛИМОВ, академик

Бошланиши 1-бетда

Давлатчилик тарихи жаҳон давлатчилиги ибтидоси билан тенгдош бўлган Туронзамин халқлари буюк яратувчилик, бунёдкорлик имконияти, ақлий салоҳияти, тафаккур кенгликлари билан замонавий цивилизация шариоитида ҳам юксак маънавий-ахлоқий, маърифий-маданий имкониятларини намойён қилмоқда. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, Янги Ўзбекистон даври кўлами, мазмуни ва моҳияти билан бутунлай янги типдаги ҳаёт, назарий-фундаментал ва амалий жиҳатдан янгилашган давлатчилик асослари юзага келиши, бошқарув тизимида очиқлик муҳити пайдо бўлиши ва унинг реал воқеликка айланиши билан боғлиқ.

Учинчидан, янги тафаккурдаги инсоннинг шаклланиши, ҳаётга муносабатларининг жиддий равишда ўзгариши эркин ва овоз фўқаролик жамиятини барпо этиш мақсади билан уйғун.

Дарҳақиқат, очиқ жамият қуриш ва давлат бошқарувини эркинлаштириш борасида бутунлай янги асослар — халқчилик ва ошкоралик асосидаги давлат бошқаруви тамойили жорий этилди. Президент билан фўқаро, давлат билан жамият ўртасидаги “баланд девор” олиб ташланди. Одамларга давлат идоралари ва раҳбарлари билан мулоқот қилиш, ўз фикр ва мулоҳазаларини тўғридан-тўғри билдириш имконияти яратилди. Натижада юртдошларимиз кайфияти ўзгарди, тафаккур янгиланди, мақсадлар ва интилишлар реал асосларга эга бўлди. Муаммоларни ҳал этишда умумий сафарбарлик, ялпи ҳамжиҳатлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурмат қилиш каби соф инсоний фазилатлар чуқурлашди. Фақат шунга эмас, ушбу фазилатлар миллий кадриятга айланди. Жамиятда ялпи барқарорлик, фикрий ва ҳиссий ҳамжиҳатлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва қадрлаш тамойили қарор топди.

Жамиятда инсон ҳар нарсадан улўғ, унинг шаъни, кадр қиммати қонун билан кафолатланади, деган гоя турмуш тарзига, давлат сиёсатининг бош мезонига айлантирилди. Давлат шаъни, унинг улўғворлиги халқ шаъни ва мавжудлиги билан боғлиқ кетган ҳаётий мезон ҳақиқатга айланмоқда.

Бир қарашда биз ҳаммамиз ҳам олдинги, фўқаролик паспорти маълумотларига қараганда ўша-ўша одамларимиз. Лекин ақлий салоҳиятимиз, интеллектуал имкониятимиз, онгимиз ва тафаккуримиздаги ўзгаришлар, орулар ва мақсадларимиздаги эзгулик туйғуларни ҳар биримизнинг бутунлай янги типдаги фўқарога айланиши билан далолат беради. Бу барчамизнинг энг катта ютугимиздир.

Янги Ўзбекистоннинг жадал тараққиёти куйидагиларга асосланади ва унинг ўзига хос қадрият жиҳатлари бор.

Биринчидан, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фўқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқларвар давлат барпо этиш.

Албатта, инсон бутун моҳияти билан мўътабар зот. Қуръони Каримда “Биз сизни мукаррам қилиб яратдик”, дейилади. Мукаррамлик нимада? Мўътабарлик, азизлик нимада намойён бўлади? Бу ҳақи ва мангилки саволларнинг жавоби битта. Аллоҳ жонотларнинг орасида фақат инсонгагина ақл ато этди, фикрлаш, муносабат билдириш, ўз ҳаётини ўзи йўлга қўйиш имконини берди. Яхшилик ва ёмонликни, эзгулик ва ёвузликни фарқ қила оладиган, унга муносабат билдирадиган ҳис-туйғу бағишлади. Ана шу бебаҳо имкониятлар инсонни мўътабар зотга, уни азия мукаррам хилқатга айлантирди.

Инсон бошқа жонотлардан ақл ва тафаккур имконияти билан устун туради. Инсоннинг кадр қимматини, инсонийлик даражасини белгилайдиган ягона ва бирдан-бир ўлчов ақлдир. Ақлнинг эса ранги, ҳажми, оғирлиги, кенглиги ё торлиги йўқ. Уни ўлчайдиган мезон инсоннинг хатти-харакатида, ҳар биримиз ўз феъл-атворимиз доирасида атрофдагиларга муносабатимиз, мақсад-интилишларимиз орқали ақлимизнинг қай даражадалигини намойён этамиз.

Янги Ўзбекистоннинг жадал тараққиётини таъминлаш жараёнида инсон қадрини юксалтириш орқали эркин фўқаролик жамиятини янада ривожлантириш, халқларвар давлат барпо этиш гояси илгари сурилар экан, энг аввало, инсон ўзини ўзи қадриятга айлантириш орқали ялпи жамият қадрият жиҳатларини такомиллаштириши тақозо этади. Давлатнинг ягона ва бирдан-бир манбаи сифатида халқ, яққа тартибдаги ҳар бир инсоннинг ўзини ўзи қадрият даражасига олиб чиқиши, ақлий салоҳиятини ривожлантириши, ўзини ўзи англаши, бошқариши, эзгуликлар сари йўналтириши, иллатларини камайитириш, фазилатларини кўпайитиришга интилиши орқали қудратли давлатни барпо этиш имконияти туғилади. Бу эса ялпи жамиятда

ларга риоя қилиб яшаш кўникмаси ҳар бир фўқарода бўлмоғи лозим. Бу ўз-ўзидан жамиятда қонун устуворлигига, унинг муқаддаслигига олиб келади. Натижада ҳақиқий демократия амалдаги қонунлар доирасидаги эркин фаолият, деган хулосага келинади. Аслида ҳам шундай: ҳақиқий демократия — қонунлар диктатураси!

Янги Ўзбекистон шариоитида суд-ҳуқуқ тизими бутунлай ислоҳ қилинди. Унинг янги тузилмавий шакли жорий этилди. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонун олдида барчанинг тенглигига эришиш чора-тадбирлари изчиллик билан кўрилмоқда.

Учинчидан, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш.

Бу, албатта, жамият тараққиётини белгилайдиган муҳим омил. Зотан, Президент Шавкат Мирзиёев “Иқтисодиёт — ҳар қандай давлатнинг қудрати. Жамият тараққиёти ва фўқаролар ҳаётининг фаровонлиги айна иқтисодиёт билан боғлиқ”, деб алоҳида таъкидлади. Миллий иқтисодиёт давлат қудратининг ҳам, халқ фаровонлигининг ҳам, ҳар бир фўқаро бахтли, саодатли, фаровон ҳаётини таъминлашнинг ҳам асоси ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг серқирра ислохотчилик сиёсати кўлами жиҳатидан маҳобатли, мазмуни жиҳатидан гоятда чуқур, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўла асосланган. Иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган ҳар бир соҳа аниқ ва реал чора-тадбирларга таянади. Мутаассадди ташкилотлар ва ҳокимликлар зиммасига ўта аниқликдаги вазифалар юклатилганки, бу бевосита Янги Ўзбекистон тараққиётини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Тўртинчидан, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш.

Ҳозирги жаҳон цивилизациявий шариоитида давлатлар қудрати уларнинг ҳарбий-техник салоҳияти билан эмас, балки кучли ижтимоий сиёсати билан баҳоланади. Фўқароларнинг фаровон турмуш тарзини ташкил этиш давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишидир. Соғлиқни сақлаш тизимини бутун чоралар

“ЖАМИЯТДА ИНСОН ҲАР НАРСАДАН УЛЎҒ, УНИНГ ШАЪНИ, КАДРУ ҚИММАТИ ҚОНУН БИЛАН КАФОЛАТЛАНАДИ, ДЕГАН ГОЯ ТУРМУШ ТАРЗИГА, ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ БОШ МЕЗОНИГА АЙЛАНТИРИЛДИ. ДАВЛАТ ШАЪНИ, УНИНГ УЛЎҒВОРЛИГИ ХАЛҚ ШАЪНИ ВА МАВЖУДЛИГИ БИЛАН БОҒЛАНИБ КЕТГАН ҲАЁТИЙ МЕЗОН ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНМОҚДА.

барчанинг умуммиллий ҳамжиҳатлик, умуммиллий сафарбарлик фазилатларига таянади.

Иккинчидан, адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш.

Инсоният тарихида одамлар ҳаммаша адолатга эҳтиёж сезган, унга интилиб яшаган. Бироқ адолатсизлик ҳаммаша мавжуд бўлган, чунки адолат тамойилларини бузадиган, натижада инсон ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлишига олиб келадиган иллатларни ҳам инсоннинг ўзи яратади. Инсон сифатида ҳаммаша ўзига ўзи муаммо яратиб, шу муаммолар гирдобида ашайдиган мавжудотдир. Ана шундай шариоитда жамиятда адолат устуворлигини таъминлайдиган ягона мезон қонунчилик ҳисобланади. Қонунлари мукамал бўлган ва ушбу қонунлар тўла қувват билан ишлайдиган жамиятда табиий равишда адолат ўрнатилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу масалада бот-бот гапирди. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини тўла кафолатлаш, қонунчилигини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, мустақил ва одил суд тизимини вужудга келтириш масалаларини долзарб қилиб кўтармоқда.

Адолатли суд тизимини такомиллаштириш, меҳнат кишининг ҳақ-ҳуқуқларини тўла таъминлаш, барча қонунлар ва қонунности ҳужжат-

билан ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини янада чуқурлаштириш, жисмоний тарбия ва спортни ҳар бир оилада қарор топтириш жамият ижтимоий кайфиятини белгилайдиган муҳим омилдир. Ҳар бир маҳалла ўз ҳудудида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш орқали ялпи жамият маънавий-руҳий кўтаринкилигини таъминлайдиган муҳим омил қилиб белгиланди. Аҳоли турар жойларида жисмоний тарбия билан шугулланишни ташкил этиш аъёнага айланиб қолди. Бир қарашда оддий кўринадиган ушбу ҳодиса бутун моҳияти билан янги типдаги инсонни вужудга келтириш каби гоят залварли маънавий-руҳий ҳодиса эканини англаш қийин эмас.

Узлуксиз таълимнинг барча бўғинларини тубдан ислоҳ қилиш жараёни давом этмоқда. Янги Ўзбекистоннинг бутунлай янги тафаккурдаги фўқароларини шакллантириш бевосита мактабга таълим муассасаларидан бошланади. Мурғаккина фарзандларимизнинг маънавий-руҳий ва жисмоний соғлом ўсиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мактабгача ёшдаги болаларимизнинг 70 фоиздан кўпроги болалар боғчаларига жалб этилмоқда. Бу кейинги йилларда шу соҳада амалга оширилган энг катта ютуқларимиздан.

Умумтаълим мактабларида ишлаётган ўқитувчиларнинг моддий ва маънавий манфаат-

“ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИ КўЛАМИ, МАЗМУНИ ВА МОҳИЯТИ БИЛАН БУТУНЛАЙ ЯНГИ ТИПДАГИ ҲАЁТ, НАЗАРИЙ-ФУНДАМЕНТАЛ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТДАН ЯНГИЛАНГАН ДАВЛАТЧИЛИК АСОСЛАРИ ЮЗАГА КЕЛИШИ, БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ОЧИҚЛИК МУҲИТИ ПАЙДО БўЛИШИ ВА УНИНГ РЕАЛ ВОҚЕЛИККА АЙЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ.

дорлиги кескин оширилди. Ўқитувчининг обрўсини, шаънини кўтаришда давлатнинг ўзи раҳнамолик қилмоқда. Президентимиз ўқитувчи, мураббий, муаллим сўзларининг нақадар улўғворлигини, мўътабарлигини, жамийи тараққиётимизнинг асосида ўқитувчи туришини алоҳида таъкидламоқда.

Миллий фанимиз тараққиёти, албатта, ялпи ривожланишнинг муҳим омилдир. Бу борда олиий таълим сифатини ва самарадорлигини яхшилаш, илмий-тадқиқот институтларида фундаментал кашфиётларни, илмий янгиликларни амалга ошириш ва ҳаётга жорий этиш имкониятлари кенгаймоқда.

Бешинчидан, маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш.

Маънавият — ҳар қандай тараққиётнинг сарчашмаси. Маънавият — олам ва одам халоскори. Маънавий қашшоқлик, ахлоқсизлик кучайган пайтда инсон ўз моҳиятини йўқотади. Одам шаклидаги бошқа жонотга айланади. Унинг ягона ва бирдан-бир қадрияти маънавиятда намойён бўлади.

Инсониятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида, ахлоқсизлик хуруж қилаётган бир пайтда Ўзбекистон ва халқини буюк мақсадларга, порлоқ келажакка даъват этаётган қудратли куч маънавият бўлиб қолди. Давлат эса Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида маънавий янгиликларга ҳомийлик қилмоқда. Баркамол инсон тарбияси, Янги Ўзбекистоннинг янги, кучли, қудратли янги фўқаросини вужудга келтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ялпи маърифатли жамият қуриш гояси илгари сурилмоқда. Бу гоянинг реал воқеликка айланаётганини битта мисолда кўриш мумкин. Етти йил бурун олиий таълим тизимига 55 минг талаба қабул қилинган. Бугун уларнинг сони 200 мингдан ошди. Олий таълим муассасалари сони эса 3 баробар кўпайди. Бу давлатимизнинг ҳам, халқимизнинг ҳам тарихий ютуғидир.

Олтинчидан, умумбашарий муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ёндашиш.

Ўзбекистон инсоният тақдирини билан боғлиқ бўлган умумланетар масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этаётган саноқли давлатлардан биридир. Аниқроқ айтганда, йирик ва ривожланган АҚШ, Германия, Туркия, Хитой, Россия, Франция, Буюк Британия қаторида Ўзбекистон ўз сўзи ва позициясига, аниқ ва ўзгармас сиёсий концепциясига эга бўлган давлат сифатида умумбашарий масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, у иқлим ўзгаришлари, экологик бўҳронлар, радикализм, экстремизм ва терроризмга қарши кураш, Осиё, Африка, Лотин Америкасида очарчилик хуруж қилаётган бир пайтда камбағалликка қарши курашиш борасида аниқ концепцияга эга давлат сифатида ўзини намойён этмоқда.

Ҳозирги дунё бир-бирдан қочиш эмас, аксинча, бир-бирига интилиш, ўзаро муносабатларда катта ҳурмат ва бир-бирини тушуниш сиёсатига эҳтиёж сезмоқда. Манфаатлар тўқнашувидан адолат устуворлиги, инсоният ва Ер шари тақдирини, унинг истиқболни устуворлиги заруратга айланмоқда. Бунда Ўзбекистоннинг гоят инсонпарвар сиёсий позицияси жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда, чуқур эътироф этилмоқда. Янги Ўзбекистон дунёни эзгуликка, яхшиликка, ҳамжиҳатликка даъват этмоқда. Зотан, Ер шари ҳаммамизники, саккиз миллиард инсоннинг умумий хонадонини, ягона наҳот майдонини!

Еттинчидан, мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ташқи сиёсат юритиш.

Янги Ўзбекистонда мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини ошириш борасида жиддий чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳарбий тайёрларлиги ва техник таъминлангани жиҳатидан дунёда нуфузли ўринга эга. Ўзбекистон давлатининг қатъий позицияси шундан иборатки, у бирор давлатнинг ички ишларига аралашмайди. Узининг тинчлигини, барқарорлигини, чегаралар дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучларига эга. Ҳар қандай ташқи зарбани барбод этадиган армияси мавжуд. Бу бутун халқимизнинг фахру ифтихорига айланди. Ҳар қандай давлат билан очиқ муносабатда бўлиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити Ўзбекистон давлати ташқи сиёсати реаллигини, қудратини ёркин намойён этди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари ва улкан сиёсий арбоб сифатида қатор, бир-бирдан долзарб минтақавар ва умумланетар масалаларни кўтаргани, энг муҳими, ушбу муаммоларнинг ечимини тавсия қилгани Янги Ўзбекистоннинг халқро обрўсини оширди.

Айни пайтда Ўзбекистон БМТ, қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан чуқур ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу ҳозирги замон шариоитида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бутун нуфузини, унинг халқро майдондаги обрў-эътиборини белгилайди. Янги Ўзбекистоннинг жадал тараққиёт концепцияси мамлакатимизнинг ҳар томонлама барқарор ривожланишини ўзида ифода этган. У Ўзбекистон деб аталган 35 миллионли мўътабар оиламизнинг истиқболни кафолатлайди. Энг муҳими, Президент Шавкат Мирзиёевнинг жадал тараққиёт гояси ҳар бир фўқаронинг қалб даъвати, эртанги кунга ишончи, буюк истиқболга боғлиқ бўлган эзгу мақсадларнинг реал ифодасига айланади.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

БАХТИ КУЛГАН ҚИЗИЛТЕПАЛИКЛАР



Инсон доим кимгадир ёки нимагадир эҳтиёж сезиб яшайди. Улар орасида кишига қалб хотиржамлигини бағишлаб, ҳақиқий бахтни туҳфа этадигани ўз уйи бўлишидек орзуси рўёбга чиқибди.

Шу боис, давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятини бошлаган илк кунлардан оқолини турар жой билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. 2016 йил 21 октябрдаги “2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгилашган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги қарор халқимиз учун муҳим тарихий ҳужжат бўлгани айна ҳақиқатдир.

Ўтган йилларда минглаб оила янги уйларга кўчиб ўтди. Рўзгор ташвишларидан орттирилмай, ижарама-ижара юриб толиққан минглаб кишилар “Энди орзуларимиз ушалмаб керак,

деб ўйлардик, лекин бизнинг ҳам ўз уйимиз булар экан-ку!”, дея қувончдан кўзлари порламоқда. Бошқа ҳудудларда бўлгани каби бундай эзгу ишлар кўлами Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида ҳам йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Хусусан, туманда 2017 йилда 88 та яққа тартибдаги уй-жой, 66 хонадонли 5 та кўп қаватли уй, 2018 йилда 158 та ҳовли-жой, 72 хонадонли 5 та кўп қаватли уй, 2019 йилда 20 та арзонлаштирилган ҳовли-жой, 144 хонадонга мўлжалланган 6 та кўп қаватли уй, 2020 йилда 96 хонадонли 4 та кўп қаватли уй қурилиб, муҳтож оилаларга шодлик улашилгани ҳам фикримизнинг ёркин тасдиғидир.

Жорий йилда эса тумандаги Малиқобод маҳалласи ҳудудида

“ ЖОРИЙ ЙИЛДА ЭСА ТУМАНДАГИ МАЛИҚОБОД МАҲАЛЛАСИ ҲУДУДИДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАССИВИ ҚУРИЛМОҚДА. ИШЛАР ЯКУНИГА ЕТГАЧ, 14 ТА КўП ҚАВАТЛИ УЙ, ЯъНИ 956 ХОНАДОН ўЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛАДИ.

Янги Ўзбекистон массиви қурилмоқда. Ишлар якунига етгач, 14 та кўп қаватли уй, яъни 956 хонадон ўз эгаларига топширилади.

Туман марказидаги Алишер Навоий массивида барпо этилган кўп қаватли уйларга эса 240 оила кўчиб кирди.

— Ниҳоят ўз уйимизга эга бўлдик. 13 йилдан буён тўрт оила бир ҳовлида яшардик. Бувал ерларда шундай замонавий кўп қаватли бинолар қурилишига ишончи қийин эди. Энди эса қад ростилаган уйларни кўриб, кўз қувнади, — дейди янги хонадонга кўчиб ўтган Ойинча Равшанова.

Албатта, ҳар бир инсон ўз уйи бўлса, ҳаловатда яшайди, чин дилдан ислохотлар рўёбига ҳисса қўша олади. Бундай оилаларда тарбияланаётган фарзандлар эса ватанпарвар ва садоқатли, тараққиёт ва ислохотларни давом эттира оладиган закий авлод бўлиб етишади. Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз. Инсон қадри ва манфаати улўғланган юртимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда давом этаётган экан, ҳали яна кўпга оилаларга бундай бахт кулиб боқайди.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, журналист

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Тошкент шаҳри 2045 йилгача: МАҚБУЛ ШАҲАРСОЗЛИК, ҚУЛАЙ ИНФРАТУЗИЛМА, КЎПРОҚ ЯШИЛЛИК

Мамлакатимиз пойтахти — асим Тошкент шаҳрининг яқин келажакдаги қиёфасини ҳозирдан тасаввур қилиш қийин эмас. Баланд ва замонавий бинолар, инновацияларга асосланган инвестицион лойиҳалар, жаҳоннинг энг илғор тажрибалари акс этган тураржой ва дам олиш масканлари қурилиши эртанги кун руҳига мос ва хос бўлади. Аммо бу жараёнлар аввалгидек ўзбошимчилик билан эмас, аниқ стратегия, дунё андазаларига мос талаблар ҳамда шаҳарсозлик меъёрлари асосида олиб борилади. Бу экологик муҳитни яхшилашдан тортиб, йўллар инфратузилмасига тушаётган босимларни камайтириш сингари энг муҳим вазифалардан иборат. Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган Бош режаси лойиҳаси шу асосда ишлаб чиқилган.

Аммо улар келгусида жиддий тус олмаслиги учун шаҳарнинг бош режасида қатор тақлифлар берилган.

Лойиҳага жиддий ва пухта ёндашилди. Бош режа устида чет эллик ва маҳаллий лойиҳачилар икки йил давомида ишлади. Жараёнга Туркиянинг шаҳарсозлик бўйича 40 йиллик тажрибага эга мутахассислари жалб этилди. Нидерландия билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Дунёда энг мақбул деб тан олинган Европа шаҳарсозлик стандартларидан фойдаланилди. Маҳаллий мутахассисларимиз ҳамкор давлатларда бўлиб, уларнинг тажрибаларини ўрганганларини айтди. Масалан, Европа давлатлари шаҳарсозлигининг ютуқларидан бири экологияга катта эътибор қаратилиши ва яшил ҳудудларнинг кўпчилигида. Қолаверса, йўлларда пиёдалар ва велосипед йўлакларига алоҳида устулик берилди, автомобилларга эса кейинги ўринларда. Ана шу тажрибаларнинг юртимиз иқлим шароити ва шаҳримизга мос жиҳатлари олиниб, амалиётга интеграция қилинмоқда.

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Давлатимиз раҳбари 18 октябрь кун "ТошкентбошланЛТИТИ" давлат унитар корхонаси томонидан тайёрланган лойиҳа билан танишар экан, ҳозирги шароитда стратегияни аниқ белгилаб олиб, шунга мос ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлади.

Айни дамда Тошкент шаҳрининг ҳудуди 43 минг гектар, аҳолиси сони 3 миллионга яқинлашган. Инфратузилма тармоқларига юктамалар ортган. Транспортлар кун сайин кўпайиб, йўл ҳаракати қийинлашиб бормоқда. Шаҳарсозлик, саноатнинг ривожланиши ҳисобига чанг, тўтун экологияга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу масалаларнинг ечими осон эмас.

Меъморий қиёфа сақлаб қолинади

Лойиҳанинг асосий қисми — бу аниқ вазифаларга асосланган стратегиялар. Яъни аҳолининг ўсиши, транспорт ва муҳандислик тармоқлари, иқлим ўзгаришлари таҳлил қилиниб, шу асосда транспорт "туғунлари" ва аҳоли пунктларини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Унда инфратузилма, транспорт, логистика, яшил ҳудудлар, бино ва иншоотлар

жойлашувида шаҳарсозлик нормалари каби ҳозирги кундаги асосий муаммоларга ечимлар келтирилган бўлиб, уларни бартараф этиш чоралари ҳамда келгусида тақрорламаслик ҳисобга олинган. Демак, 2045 йилгача бўлган Бош режага қўра, пойтахтимизнинг яқин келажакдаги қиёфаси бугунгидан фарқ қилади.

Саидазим ШАРИПОВ, "ТошкентбошланЛТИТИ" давлат унитар корхонаси шаҳарсозлик ва илмий лойиҳалар бўйича бош директор ўринбосари:


— Шаҳарнинг бош режаси — бу эртага шаҳарнинг қандай ривожланишини акс эттирувчи харита, дейиш мумкин. Олдинги даврларда ҳам шаҳарларнинг бош режаси бўлган, лекин уларнинг гоёлари, тартиби бугунги замон талабларига жавоб бермайди. Уларда ҳар битта бинонинг жойлашуви, ҳудуднинг ҳар бир детали ишлаб чиқилган. Фақат давлат бош лойиҳачи, давлат бош қурувчи сифатида қаралган. Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган Бош режаси лойиҳасини тайёрлашда эса жараённинг бошидан охиригача жаҳоннинг илғор тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, мутлақо янги-ча ёндашув бўлди.

Биз яратган стратегия бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланади. Яъни лойиҳани амалга оширишда фақат давлат эмас, тадбиркор, инвестор ва бошқалар иштирок эта олади. Қолаверса, стратегияда алоҳида йўналишларда ишлар олиб борилган. Шаҳарнинг қайси ҳудуди қандай ривожланиши, қандай функцияга эга бўлиши керак, бинолар баландлиги, зичлиги қандай бўлади, уша ҳудуд келажакда ўзгариши ёки йўқ, қайси ҳудудлар ўз ҳолича сақлаб қолинади, деган саволлар бўйича таҳлилларга асосланган жавоблар кўрсатилган.

Шаҳарнинг тарихий ҳудудлари мисолида оладиган бўлсак, Тошкентнинг эски маҳалласи ўзига хос ҳудуд. Шу боис, уни сақлаб қолиш ёки қайта қуриш борасида кўплаб муокаралар бўлади. Аҳолининг ўзи ҳам турлича фикрда. Биз эса масалага шаҳарсозлик нуқтаи назаридан ёндашамиз ва олдимизда шароитдан келиб чиққан ҳолда, шаҳарнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш вазифаси туради. Стратегияда ана шу маҳалланинг мавжуд қиёфасини сақлаб қолиш назарда тутилган. Ҳудуд бирор инвесторга берилган тақдирда ҳам, уларга уйлари янгилаши мумкинлиги,

фақат архитектура ва қиёфасини сақлаб қолиши талаби қўйилади.

Шаҳарсозлик меъёрларини белгилашда, аввало, одамларга қулайлик яратиш, уларнинг замон талабларига мос тарзда ўсиб борадиган эҳтиёжларини инобатга олишга бирламчи вазифа сифатида қаралди. Масалан, ҳудудлар



кенгайиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиб борапти. Айрим ҳудудлар саноатга ихтисослашяпти. Саноат корхоналаридан чиқадиган зарарли тўтунлар эса атмосфера ҳавосига таъсир этмасдан қолмайди. Шу боис, лойиҳада саноат ҳудудларини шаҳардан ташқарига чиқариш режалаштирилган.

Яна бир муҳим масала — биноларга ижтимоий талаблар белгилаш. Масалан, шаҳар ичида кўп қаватли иншоот қурилувчи бўлса, унинг турига қараб мактаб, боғча, маиший хизмат, автотураргоҳ, кўкаламзорлаштириш майдонини қуриш каби меъёрлар қўйилади. Ҳозирги вақтда янги қурилувчи руҳсат берилмаётган тураржойларда мактаб, боғчанинг йўқлиги, ижтимоий объектларнинг етарли эмаслиги каби муаммолар бор.

Стратегияда ҳар бир ҳудуднинг аниқ ривожланиш йўналишини белгилаган. Мисол учун, Чилонзор, Юнусобод

туманларидаги 4-5 қаватли уйлар ёнида янги қурилувчи бўлишдан аҳоли норози. Чунки бу ҳудудларда шундоқ ҳам аҳоли зичлиги етарли ва шунга мослаб уйлар қуриб бўлинган. Агар қўшимча ёки 4 қаватли уйлар ўрнига кўпроқ қаватли тураржой бинолари қурилса, ҳудудга ва ундаги транспорт тизимига, электр тар-

моғига босим ортиб бораверади. Шуларни инобатга олиб, лойиҳада ўша ҳудудларда янги тураржойларни қуриш тақиқланган. Фақат аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ижтимоий соҳа объектларини қуриш мумкин. Эскирган ва авария ҳолатидаги уйлар эса ўз-ўзидан қайта таъмирланади.

Шаҳар кенгайгани сари инфратузилма масаласи ҳам ўртага чиқади. Масалан, ҳозирги кунда пойтахт аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 95 фоиз. Бу тизим ўз имкониятида ишлаяпти. Бирок янги қурилувчи тураржой бинолари ҳисобига ичимлик сувга талаб ҳам ортади. Шу боис, ривожланиш ҳудудлари учун асосан, шаҳарнинг жанубий-ғарбий қисми танланди. Бу жойлар ҳам сейсмик жиҳатдан қулай, ҳам ичимлик суви билан таъминлаш учун янги лойиҳалар мавжуд. Шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида эса аҳолининг зичлаштириш режалаштирилмаган.



Янги "боғловчи" йўналишлар

Охириги йилларда кўплаб ривожланган давлатларда транспорт йўлларидидаги тирбандликлар жиддий масалалардан бирига айланган. Кўпчилик бу масаланинг энг мақбул ечими йўлларни кенгайтириш, деб ҳисоблайди. Аммо мутахассислар бошқачароқ фикрда. Шаҳар ичида йўллар қанча кўп кенгайтирилса, унда ҳаракатланадиган машиналар оқими шунча ортар экан. Гап шундаки, кенгайтирилган йўл шаҳарнинг қайсидир қисмига бориб барибир тораяди. Бу АҚШ тажрибасида ҳам

қузирилган. Йўл қурувчилар Чикаго штатига олиб борадиган битта автойўлни кенгайтирганида, транспорт оқими камайиб ўрнига, аксинча, бир неча баробар ошган. Аниқланишича, авваллари тирбанд йўлни бошқа томондан айланиб ўтган хайдовчилар йўл кенгайтирилган, бари шу томонга ҳаракатлана бошлаган, натижада тирбандлик янада ортган.

Хўш, Тошкент шаҳрида бу масалага қандай ечимлар тақлиф этилмоқда? "Park and ride" тамойили қутилган натижа берадими?

Мурод ОБИДОВ, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Тошкент шаҳар транспорт тизимини комплекс ривожлантириш лойиҳа офиси раҳбари:

— Шаҳарда тирбандлик муаммосини ҳал этиш учун, аввало, жамоат транспорти қулайлаштирилади. Яъни уларнинг сони оширилиб, барқарор ҳаракатланиши таъминланади, аҳоли учун қулай жойларда бекатлар жойлаштирилиб, шароит яратилади. Тасаввур қилинг, манзилга етиб олишда жамоат транспортда тирбандликка кутмасдан, борадиган объектнингизга максимал яқин жойлашган бекатда тушиб, кафолатланган вақтда етиб оласиз. Шу билан бирга, бундан буён шахсий транспорт учун автотураргоҳлар жойлари чекланади ва марказдан четроқ ҳудудларга чиқарилади. Шунда кўпчилик автомобиль ўрнига жамоат транспортда ишга қатнайди. Масалан, Европа давлатларида шундай. Узимизда бу шароитни яратиш учун имкониятларимиз кўриб чиқилди. Бизда йўллар тармоғи етарли, фақат уларга тезоравар жамоат транспортини интеграция қилиш лозим. Йўлларимиз кенглиги ҳисобига жамоат транспорти учун алоҳида йўл қисмини ажратиб имконимиз ҳам бор. Айрим ҳудудларда шунга ҳаракатлар бошланган. Масалан, пойтахтимизнинг Навоий кўчасида йўлнинг бир қисмида автобус ҳаракати йўл алоҳида йўл ажратилди. Бу йўлга автомобилларнинг кириши тақиқланган бўлиб, ҳозир у ерга назорат учун кузатув камералари ўрнатилди.

Тошкент шаҳри охириги йилларда сезиларли кенгайиб, нафақат пойтахт аҳолиси, балки ҳудудга кириб-чиқувчи автомобиллар ҳаракати ҳам ошиб борапти. Шаҳар аҳолисининг 1,3 миллиони доимий иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг кунлик ишга бориш-келиш эҳтиёжи мавжуд. Пойтахтга кунлик 1,4 миллион аҳоли кириб келади ва улар ҳам камда икки марта ҳаракатланиш эҳтиёжига эга. Умумий ҳисобда 5 миллиондан

ортиқ одамнинг кунлик ҳаракатланишига эҳтиёж бор. Аммо жамоат транспортда атиги 1 миллион йўловчи ташилмоқда. Шахсий транспортга эга оилалар 23 фоизни ташкил этади, лекин ташувларнинг 80 фоизи енгил транспорт воситаларига тўғри келаётгани йўлларимизда юктамаларнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, бу кўрсаткич жамоат транспорти тизимининг етарли даражада ривожланмаганини билдиради.

Шу боис, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини сифатли, хавфсиз ҳамда қулай транспорт хизматлари билан қондириш мақсадида Тошкент шаҳри жамоат транспорти тизимини истиқболли ривожлантириш режаси ишлаб чиқилган. Бу бевосита шаҳарнинг бош режасида акс этган бўлиб, унда бир қанча аниқ тадбирлар амалга оширилади.

Биринчи галда, жамоат транспорти тармоғининг янги йўналишлар тизими жорий этилиб, шаҳарнинг исталган нуқтасига кафолатланган вақт ичида етиб олиш имкониятини берадиган ўзаро боғланган "Етказиб чиқувчи", "Магистрал" "Халқа" ва "Боғловчи" йўналишлар ишга туширилади. Ҳаракат таркиби тўлиқ янгиланиб, кичик сизимли автобуслар ўрнига катта сизимли экологик ва самардорлик кўрсаткичлари юқори бўлган замонавий автобуслар сони кўпайтирилади. Ҳаракатланишга талаб юқори бўлган асосий магистрал йўлларимизда автобуслар учун алоҳида йўлаклар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Уларда 18 метрлик ўта катта сизимли автобуслар йўлга қўйилиб, чорраҳаларда ҳаракатланиши учун устуворлик таъминланади.

Аггрегация ҳудудидан кунлик кириб келадиган аҳоли учун янги замонавий электропоездлар ҳаракати йўлга қўйилиб, улар метрополитен линиялари ва транспорт ўтиш боғламаларига интеграция қилинади. Тасаввур қилинг, Тошкентда ўқийдиган талаба Чирчиқ шайхидан 30 дақиқада метрога етиб олади ва яна 30 дақиқада метро линиясида жойлашган олий таълим муассасасига етиб келади.

Аҳоли зичлигига мос равишда жамоат транспорти бекатлари 5 дақиқадан 15 дақиқача пийда етиб олиш масофасида жойлаштирилади. Тошкент шаҳри транспорт оқимларини ягона бошқарув маркази ташкил этилади. Бунда барча светофор объектлари бошқарув тизимига боғланган ҳолда транспорт оқимларини самарали тақсимлаш йўлга қўйилади. Янги барпо этиладиган ҳамда жорий транспорт ҳаракатига катта эҳтиёж бўлган ҳудудларда бир соатда 12 мингтагача йўловчи ташил имкониятига эга замонавий трамвай тизими жорий этилади.

"Park and ride" тамойили асосида шаҳар чеккаларида автотураргоҳлар ташкил этилиб, жамоат транспортга ўтиш боғламалари билан интеграция қилинади. Унга қўра, шаҳар атрофидан келаётган йўловчилар автомобилнинг марказга киришидаги автотураргоҳларда қолдириб, ичкарида тезоравар жамоат транспортларидан фойдаланиши керак бўлади. Бу аҳоли учун ҳам амалга қўйилади. Масалан, Сергели туманида метро бекати қурилганидан кейин худди шундай ҳолатни кузатишимиз. Шаҳар бўйлаб автотураргоҳларни тартибга солиш, улардан фойдаланиш самардорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилади. Афсуски, ҳозирги вақтда янги қурилувчи уйларида автотураргоҳларга етарлича эътибор қаратилмапти. Стратегияда ана шу талаблар белги-ланган.

Умуман, мазкур бош режа лойиҳасининг асосий йўналишларидан бири транспортдан фойдаланиш қулайлигини оширишга қаратилган. Чунки бундан бунгага аҳоли сони ортиб, кўчаларда автомобиллар сони кўпайиб бораверади. Бу ривожланиш билан боғлиқ табиий жараён. Бизнинг вазифамиз бунга мослашувчи янги лойиҳаларни ишлаб чиқилишдан иборат. Лойиҳа бўйича 32,6 километр метро, 32 километр темир йўл, умумий узунлиги 471 километр бўлган 25 та транспорт коридорларида алоҳида автобус йўлакларини қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, 28 та транспорт ўтиш боғламалари ишга туширилади.

Пойтахтга туташ "Янги Тошкент"



Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган Бош режаси лойиҳаси "Янги Тошкент" концепцияси билан мутаносиб тайёрланган. Бу янги шаҳар пойтахтимизнинг шарқий қисмида, Чирчиқ ва Қорасув дарёлари оралигида барпо этилади. 500 минг аҳолига мўлжалланган ҳудудда истиқболли ривожланиш ва қурилиш, янги шаҳар билан пойтахтни бирлаштирувчи асосий йўллар схемалари ишлаб чиқилган. 20 минг гектар ҳудуд 3 босқичга бўлинган. Биринчи босқичда 6 минг гектар майдонда қурилиш ишлари олиб борилади. Ҳудуднинг 2 минг гектариди маъмурий марказ жойлашиши кўзда тутилган. Бу маъмурий марказда маданий ва технологик марказлар, университетлар, экспозор барпо этилиб, дунё миқёсида ўтказиладиган турли хил тадбирлар учун шароит яратилади. Ҳозирда қурилиши бошланган Олимпия шаҳарчаси бунинг бир мисоли. Ундан ташқари, одатий шаҳарлардаги каби аҳоли яшаш пунктлари ва барча турдаги ижтимоий соҳа объектлари, хизмат кўрсатиш марказлари, маданий дам олиш масканлари бунёд этилади.

— Биз бу ҳудудларни шаҳарнинг давоми эмас, "Янги Тошкент" деб атаёмиз, — дейди Саидазим Шарипов. — Ҳар бир ривожланган давлатнинг битта иқтисодий, битта сиёсий маркази бўлади. "Янги Тошкент" мамлакатимизнинг қайсидир маънода сиёсий марказига айланади. Президентимиз пойтахтнинг меъморий қиёфасини сақлаб қолиш, келгусидаги қурилишларни шаҳар ташқарисидида қилиш вазифасини қўйган эди. Шу жиҳатдан, катта-катта қурилиш объектларининг шаҳар ташқарисига олиб чиқилиши шаҳримиз шароити, экологик муҳитни яхшилашга ёрдам беради. Лекин у марказ бевосита Тошкент шаҳри билан боғланган бўлади.

"Янги Тошкент"ни қуришда пойтахтда қилинган хатоларни тақрорламаслик, у ерда яшил ҳудудларни кенгайтириш белгиланган. Глобал иссиқ кузатилаётган ҳозирги дунёда яшиллик жуда муҳим. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 7 минг гектар яшил майдонлар мавжуд бўлиб, бу етарли кўрсаткич эмас. Пойтахтимизда яшил ҳудудларни 25 минг гектарга етказиш мақсад қилинган. Бунинг учун "Яшил макон" умуммиллий

лоийҳаси сингари катта ишлар амалга ошириляпти. Бош режа лойиҳасида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, катта халқа йўли атрофида "яшил камар" яратиш, яшил коридорлар, шаҳардан ўтган каналлар бўйида тематик боғлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан Тошкент шаҳри атрофида 130 километр узунликдаги дарахтзор ва барча инфратузилмаларга эга яшил белбоғли йўл ташкил қилиш масаласи ҳам ўртага қўйилган. Ўзбекистоннинг бошидан охиригача бўлган ҳудудларида жорий қилиниши мумкин бўлган "Яшил йўл" лойиҳаси тақдироти маъқулланди. Мутахассисларнинг айтишича, яшил ҳудудлар бизнинг иқлим учун зарур. Дарахтзорлар иссиқликни ютиб, ҳавони салқинлаштиради, чанг-тўзонни тўсади. Аммо "яшил белбоғ" фақат дарахтзордан иборат бўлмайди. У кишлоқ ҳўжалиги ерлари, боғ-роғлар, дам олиш масканларини ҳам қамраб олади. Одамлар 130 километри яшил ҳудудга айлантириш шунчаки ҳаёл, дейиши мумкин. Бирок лойиҳа муваффақиятига лойиҳачиларнинг ишончи қомил.

Масалан, Африкадаги Сахара чўлларида амалга оширилаётган 8 минг километр узунликдаги "яшил тасма"ни олайлик. Бугунга қадар лойиҳанинг 15 фоизи амалга ошди. Бизнинг лойиҳа кўлами эса ундан бир неча баробар кичик, демак бу имконсиз нарса эмас.

Бу тасма шаҳарни яшиллик билан ўраб олади. У нафақат экологик жиҳатдан фойдалани, балки шаҳар атрофидаги аҳоли учун ҳам яшил дам олиш масканига айланади. "Яшил камар"нинг бир қисми шу бўйларидан иборат бўлади. Хусусан, Чирчиқ дарёси бўйида асосан, яшил ҳудуд, маданий марказлар, дам олиш, овқатланиш масканлари барпо этиш кўзда тутилган. Дарё суви ҳозирча кам. Аммо қанчалардир қўлпайган тақдирда ҳам, уни мавжуд ҳимоя чизими тўсиб туради.

Шундай қилиб, Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача мўлжалланган Бош режасида ҳар бир жиҳат эътиборга олинган. Гарчи лойиҳа маъқулланган бўлса-да, ҳар 5 йилда замон талаблари асосида қайта кўриб чиқилади. Лойиҳа устида доимий ишланиб, стратегия давомли тарзда янгиланиб борилади. Яна бир жиҳат, маъқулланган стратегия халқ муҳокамасига қўйилади. Қурилишлар одамларнинг фирм ва тақлифларини ўрганган ҳолда амалга оширилади. Халқимизга аталган янги шаҳар бунёдқори ҳам шу халқнинг ўзи бўлади.

БУГУННИНГ ГАПИ

КЎР-КЎРОНА ТАҚЛИД – ЖОҲИЛЛИК

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзгилгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлиқдир. Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрли кечмиши, орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқ.



Нуриддин домла ХОЛИХОНАЗАРОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий, Ўзбекистон халқаро ислом академияси фахрий доктори

тушунарсиз атамалар кўпайиши ўз тилимизга нисбатан ҳурматсизликни келтириб чиқармоқда.

Таассуфки, тижорий соҳада мижозларни жалб этиш, маҳсулотни оммабоп даражага кўтариш ёки мўмин-мусулмонлар онгида динийлик бор деган тасаввурни уйғотиш мақсадида араб ва турк тилларидаги жозибдор ном, исломий сўз ва атамалардан кенг фойдаланиш жамиятда кўр-кўрона тақлидга олиб келмоқда. Тўғри, ҳамма жарангдор, ёқимли эшитиладиган, ёдда қоларли ном кўйишни хоҳлайди. Лекин ном кўйишда маъно, мантқиқ ҳам эътибор қаратиш лозим. Қолаверса, ҳар қандай чет тилдаги сўзнинг ўзбек тилидаги муқобили мавжуд. Ҳатто бу борада Саудия Арабистонида 1420 ҳижрий йилда тижорий номлар низоми подшоҳлик фармони ҳам эълон қилинган.

Ҳана бир жиҳат. Ота-боболаримиз дин билан боғлиқ жиҳатларга жуда эътиёткор муносабатда бўлган. Тасбеҳлари кўксиларидан пастга тушмаган, жойнамозларини баянда жойларга қўйганлар. Араб ёзувидаги матнлар битилган ашёларни меҳр билан эътиётлаб сақлаганлар. Чунки улар динга алоқаси бор ҳар бир нарсага алоҳида одоб билан муомала қилганлар. Чунки бу динимиз талаби. Аксинча, Аллоҳ таолонинг шiorларини оёқости қилиш, улардан бирортасини камситиш, беҳурмат қилиш, менсимаслик, хор қилиш мўмин кишининг динига раҳна солади, Аллоҳ сақласин.

Фараз қилайлик, савдо ёки хизмат кўрсатиш шохобчаларига ҳеч қачон “Аллоҳ”, “Худо” ёки “Ҳақ” деган исмлар қўйилмайдик-ку, Аллоҳ таолонинг қолган исмлари ҳам шундай азияту муқаррамдир.

Номларнинг олдига билиб-билмасдан “J” — “al” қўшимчасини қўйиш кўпаймоқда. Аслида араб тилида исм гуруҳига кирувчи сўзлар аниқ ёки ноаниқ ҳолатда бўлади. Ноаниқ ҳолатдаги исми аниқ ҳолатга ўтказиш учун сўзга “J” олд қўшимчаси қўйилади. Шунингдек, айрим исмларнинг олдига “J” — “al” қўшилиши Аллоҳнинг 99 та муборак исмидан бирини англатади.

Шундай экан, бундай муқаддас исмларни хизмат қилдириш мутлақо жоиз эмас. Чунки ишчи-ходимлар томонидан йўл қўйилган нуқсон ва камчилик туфайли мазкур муқаддас исмларга нисбатан турли нолайиқ ҳолатлар юзага келади. Бу каби шiorларнинг ҳурмати вожиб эканига оятдан далил келтирдик. Бундай номлардан тижорий ниётларда фойдаланиш асло мумкин эмас. Ҳатто бу борада Саудия Арабистонида 1420 ҳижрий йилда тижорий номлар низоми подшоҳлик фармони ҳам эълон қилинган.

Яна бир жиҳат. Ота-боболаримиз дин билан боғлиқ жиҳатларга жуда эътиёткор муносабатда бўлган. Тасбеҳлари кўксиларидан пастга тушмаган, жойнамозларини баянда жойларга қўйганлар. Араб ёзувидаги матнлар битилган ашёларни меҳр билан эътиётлаб сақлаганлар. Чунки улар динга алоқаси бор ҳар бир нарсага алоҳида одоб билан муомала қилганлар. Чунки бу динимиз талаби. Аксинча, Аллоҳ таолонинг шiorларини оёқости қилиш, улардан бирортасини камситиш, беҳурмат қилиш, менсимаслик, хор қилиш мўмин кишининг динига раҳна солади, Аллоҳ сақласин.

Устунлик чин эътиқод ва самимийликда

Қуръони каримда одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар Аллоҳ таолонинг ҳикмати экани кўп бор баён этилган. Дунёдаги турли-туманлик Яратганнинг иродаси билан боғлиқ. Аллоҳ дастлаб одамзодни бир ота ва бир онадан яратди, сунгра уларни турли миллат ва элат ҳамда халқларга ажратди. Бу борада Қуръони каримда бундай дейилади: **“Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавва)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик”** (Ҳужурот сураси, 13-оят).

Бундай ранг-барангликда фазилат жуда кўп. Ислому таълимотида кўра, бутун башариёт жинси, ирқи, ранги, тили, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, барчаси баробардир.

Бу борада Расул алайҳиссалом: **“Инсонлар тароқ тиллари каби тенгдирлар. Арабнинг бошқа халқлардан, оқнинг қорадан, эркакнинг аёлдан устунлиги йўқ. Фақат тақвода, ҳолос”,** деб марҳамат қилганлар. Демак, динга фақат тақлидий, кўр-кўрона амал қилиш билан иш битмайди. Балки чин эътиқод ва ихлол билан кўзланган мақсадга етिलाди.

Маърифатпарвар Исҳоқхон Ибраҳим: **“Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиб қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир”**.

Демак, тилни ҳам муҳим омил, азиз ва қадрили унсурлар қаторида билиб, соф сақлаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Ҳар қандай тилга, хусусан, она тилга, бирор даражада бўлсин, нописандлик ёки камситиш билан қараш инсон ва эл қадрига ҳурматсизлик, инсон ва халқ ҳаиятига даҳл қилиш бўлиб, кишилар кўнглини оғритиши табиийдир. Она тилдаги собитлик ҳар бир даврда долзарб бўлган.

Тил бойишга мойил. Аммо бу қанчалик табиий жараён бўлмасин, қайси тилдан қачон, нимани олиш ёки олмасликни билиш керак. Бир тилнинг бошқа тилга таъсири бойиш билан бирга, тил бузилиши бўлиши мумкин. Бу жараён ҳам ижобий, ҳам салбий маънода, зоҳирий ва ботиний ҳолда кечади. Биз эса кўпинча кўзга кўриниб турган нарсаларнигина кўрамыз-у, парда ортдагиларни пайқаймаймиз. Тўғрироғи, кўзга ташланиб турган натижа ёки оқибатни кўрамыз-у, уларни келтириб чиқараётган туб сабабларни мутлақо сезмаймиз.

Тилнинг бойиши ҳам, бузилиши ҳам икки хил йўсинда кечади. Биринчи — ҳорижий сўзларни ўринли ва ноўрин қўллаш. Иккинчиси — ҳорижий тилнинг таъсири.

Хулоса шунки, глобаллашув шароитида миллий тилимиз софлигини сақлаш, луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Муқаддас динимиз зоҳирга ҳаддан ташқари эътибор қаратиб, ботинни эсдан чиқаришдан қайтаради. Шу билан бирга, солиҳ амалларни кўпроқ қилиб, қалбимиздаги ихлол ва нијатни тўғри ва гўзал қилишга ундайди.

Аллоҳ таоло миллийлигимиз ва имон-эътиқодимизда собитҳадам айласин.



ЭНДИ ДАВОМАТ ДАФТАРГА ЁЗИЛМАЙДИ СУБИСИДИЯ ВА КОМПЕНСАЦИЯЛАР СУИИСТЕЪМОЛИГА ҲАМ ЙЎЛ ЙЎҚ

Шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб мамлакатимиздаги барча мактабгача таълим ташкилотларида “Болалар боғчаси” ахборот тизими ишга туширилди. Ҳозир мазкур муассасаларда ходимлар ва тарбияланувчилар давоматини юритиш биометрик идентификация қилиш технологияси орқали амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда мобиль илова орқали ҳар бир бола суратга олиниб, Мактабгача таълим вазирлигининг электрон базасига юборилади. Тизим асосида болалар ва ходимларнинг боғчага келиб кетиши реал вақт режимида назорат қилинади. Тармоқ Молия вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги ахборот дастурига интеграция қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 2 августдаги “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бу жараёнда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ходимларнинг ишга келиб кетиши ҳамда тарбияланувчиларнинг давоматидан келиб чиқиб автоматик равишда ҳисоблаб чиқирилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, тарбияланувчиларнинг ўртача ойлик давомати муассасада рўйхатга олинган тарбияланувчилар сонига нисбатан 40 фоиздан кам бўлса, шу ой учун ходимларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан иш ҳақи тўланмайдиган.

Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил

таъмирдан чиқарилиб, 13 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланган ушбу муассасада болаларга яратилган шароит ҳавас қилгулик. “Болалар боғчаси” тизими йўлга қўйилган. Жисмоний шахсни биометрик идентификация қилиш орқали ходимлар ва тарбияланувчилар давомати белгиланган тартибда юритилмоқда. Тарбияланувчиларнинг келиб кетишини ҳисобга олишнинг замонавий рақамли технологиялар ва идоралараро электрон ҳамкорлиқни қўллаган ҳолда автоматлаштирилиши жараён очиклиги ва шаффофлигини таъминлайди.

— “Болалар боғчаси” тизимининг жорий этилган давомат билан боғлиқ тартибсизликда ишончли идентификацияни таъминловчи комплекс ечимдир. Шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида битим имзолашдаги коррупцион ҳолатларга барҳам беришда ушбу электрон тизим кўл келади, — дейди Мактабгача таълим вазирлигининг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бошқармаси бошлиги Анвар Жўраев. — Бу жараён шу билан тўхтаб қолмайди. Тизимни рақамлаштириш тақомиллаштирилган тарзда давом этирилади.



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

этилган ҳодиват мактабгача таълим ташкилотларининг субсидиялардан мақсадсиз фойдаланишининг олдини олишда янги тизимнинг аҳамияти катта.

Юнусобод туманида жойлашган давлат-хусусий шериклик асосидаги “Little tots academy” номли нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият бошлаганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Муассаса 240 ўринга мўлжалланган бўлиб, болалар 11 та гуруҳда таълим-тарбия олади. Ташкилотнинг лойиҳа қиймати 7,2 миллиард сўми ташкил этилди. Шундан 5,4 миллиард сўми имтиёзли кредит асосида, қолган 1,8 миллиард сўм маблағ тадбиркорнинг ҳисобидан. Айни вақтда боғчада 15 нафар педагог меҳнат қилмоқда. Муассаса тарбияланувчиларнинг 25 фоизи ижтимоий кўмакка муҳтож оила фарзандларидир.

— “Болалар боғчаси” ахборот тизимига ўтилган дин сўм муассасадаги баъзи ноқулайликлар бартараф қилинди. Бу тизим нафақат тарбияланувчилар, балки ходимларни ҳам тартиб-интизомга ўргатади. Илгари ҳамма ҳужжатлар кўлда юритилган, инсон омили қатнашган бўлса, энди қозғозлик қамайган, аввалгидек дафтарга ёзиб ўтирмасдан жонли давомат юритилади, — дейди “Little tots academy” давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилоти директори Нигина Алаутдинова.

Мобиль илова сентябрь ойидан давлат бюджети орқали субсидия ва компенсация оладиган мактабгача таълим ташкилотларида 100 фоиз ишга туширилган. Ҳозир кунлик давомат 80–85 физ қўрсаткиччи ташкил этмоқда.

Мазкур тизим МТТда озиқ-овқат харажатларини назорат қилишда ҳам афзалликларга эга. У ходимлар ва тарбияланувчиларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш, ходимларнинг иш вақти ва тарбияланувчилар давоматини реал вақт режимида мониторинг қилиш, МТТларда озиқ-овқат харажатларини автоматик ҳисобга олишни замонавий рақамли технологиялар орқали юритиш имконини бермоқда.

Сергели туманидаги 42-давлат мактабгача таълим ташкилоти 345 ўринли бўлиб, 10 та гуруҳда болаларга таълим-тарбия берилади. Шунингдек, инвестиция дастури доирасида

Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига субсидия ва компенсациялар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим амал қилиш даврида, ўқув йили ва соғломлаштириш даври мобайнида ҳисобланиши ва тўланиши белгиланган.

Шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосидаги МТТларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар уларда таълим олаётган 3 ва ундан катта ёшдаги, шу жумладан, 7 ёшга тўлган, бироқ мактабга қабул даврини кутаётган болалар учун тўланиши кўрсатилган. Ана шу жараёнлар тартибга солинишида “Болалар боғчаси” тизимининг аҳамияти катта.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида болаларга МТМда таълим-тарбия беришнинг ноёб муқобил усулларини излаш ва амалга ошириш бўлиб келмоқда. Аҳамиятга эга эканига алоҳида урғу берилган. Болаларнинг мустақил шахс бўлиб шаклланиши, қўбилиятининг юзага чиқиши, ўқишга, таълим олишга иштиёқининг ошиши улар таълим-тарбия олаётган муассасанинг ҳозирги замон талаблари ва стандартларига жавоб бера олишига ҳам боғлиқ. Шу ўринда мамлакатимизда мактабгача таълим ташкилотларида жорий қилинган янги тизим болаларни мактабда ўқишга мақсадли ва тизимли тайёрлаш бора-бора уларга муносиб шарт-шароит яратиш, мактабгача таълим билан қамраб олиш қўрсаткичини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугун биргина Тошкент шаҳрида 915 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият олиб борапти. Шундан 491 таси давлат, 7 таси турли вазирик тасарруфидида, 371 таси нодавлат, 9 таси давлат-хусусий шериклик асосида ва 44 таси оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидир. Ҳозир буларнинг барчасида “Болалар боғчаси” ахборот тизими ишга туширилган.

**Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ИФТИХОР

Ҳаммамизга аёнки, кўп миллатли халқимизни юксак маърифатли жамият барпо этишдек эзгу мақсад йўлида жипслаштириш, юртдошларимиз қалбига ягона Ватан, умумий фаровон келажак туйғусини сингдиришда ўзбек тили бирлаштирувчи аҳамиятга эгадир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ФАЙЗИ ВА ШУКУҲИ ЎЗГАЧА АЙЁМ

Бошланиши 1-бетда

Тадбир давлат мадҳияси билан бошланди. Даставвал, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига байрам табригини Президент маслаҳатчиси — Спичрайтер Хайридин Султонов ўқиб эшиттирди.

Маънавиятнинг муҳим асосларидан бири бу тил ва маънавий меросга муносабатдир. Юртимизда бу соҳага кўрсатиб келинаётган

Тадбир доирасида Вазирлар Маҳкамасининг Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси томонидан аънавий тарзда ташкиллаштириб келинаётган “Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” республика танлови ғолиблари тақдирланди.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, давлат тилини миллий

йўналишда ўтказилди. “Давлат тили устуворлиги таъминланган энг намунали ҳудуд”, “Давлат тилида иш юритиш йўлга қўйилган энг яхши тизим”, “Ўзбек тилини ривожлантиришга қаратилган энг яхши илмий-амалий лойиҳа ва дастурий маҳсулотлар”, “Ўзбек тилининг қудрати ва гўзаллигини тараннум этган энг яхши бадиий асар”.

Қувонарлиси, ҳакамлар ҳайъати қарори билан “Янги Ўзбекистон” газетаси таҳририяти жамоаси “Оммавий ахборот воситалари ва даврий нашрларда давлат тили тарғиботида бағишланган туркум мақолаларни ташкил қилишга қўшган ҳиссаси учун” номинациясига лойиқ кўрилди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султон ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда олиб борилаётган тил ислоҳоти, тилимиз нуфузини янада ошириш, бу борада олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар ҳақида гапирди.

Байрам тадбирида юртимиздаги олий таълим муассасаларида тахсил олаётган хорижлик талабалар тилимизнинг нафосати ва жозибаси ҳусусидаги самимий дил сўзларини ўзбек шоирлари ижодидан намуналар ўқиш орқали изҳор қилдилар. Санъаткорларнинг куй-қўшиқлари ва рақслар кечага кўтаринкилик бағишладилар.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Одил Абдураҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова иштирок этди.

Ўзбек тили байрами куни муносабати билан ўтказилаётган адабий-маърифий тад-



Ҳамма йўлдошев олган сурат.

узлуксиз ва қатъий эътибор, тил ва адабиёт, маънавият ва маърифатга миллат қўзғуси ва халқ руҳи сифатидаги қарашлар ҳамда ёндашув ҳамма ерда ҳам мавжуд эмас.

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, инсон учун киндик қони томган Ватани, дунёга келтириб вояга етказган ота-онаси қанчалик азиз ва муқаррам бўлса, унинг ўзлиги ва маънавий оламини белгилайдиган она тили ҳам шунчалик қадри ва мўътабардир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини ошириш борасида янги босқич бошланди, десак, аини ҳақиқат бўлади.

“ҚУВОНАРЛИСИ, ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ ҚАРОРИ БИЛАН “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ЖАМОАСИ “ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ДАВРИЙ НАШРЛАРДА ДАВЛАТ ТИЛИ ТАРҒИБОТИГА БАҒИШЛАНГАН ТУРКУМ МАҚОЛАЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ УЧУН” НОМИНАЦИЯСИГА ЛОЙИҚ КЎРИЛДИ.

қадрият сифатида тарғиб қилиш, унга нисбатан миллий гуруҳ ҳиссини тарбиялаш, энг муҳими, давлат тилига оид муаммоларни ҳал қилишда илмий-амалий ёндашувни ривожлантириш каби мақсадларни ўз олдига қўйган танлов тўртак

бирлар, учрашувлар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ДАВЛАТИМСАН,
ОНА ТИЛИМ, МИЛЛАТИМСАН!

Бугун дунёда шеър гагал тили, китоб ва китобхонлик йўригини тақдим этаётган, мақсад ва муддаоси фақат халқ фаровонлиги, ёшлар камоли, тинчлик ва инсонпарварлик, дўстлик ва бирдамлик сингари эзгу гоғлардан иборат бўлмиш она Ватанимизда Ўзбек тили байрами куни нишонланмоқда.

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Президентимизнинг ушбу қўлтуғ байрам муносабати билан йўллаган табригини катта ҳаяжон ва мамнуният билан тингладик. Мазкур қўлтовда ўзбек тилини ривожлантириш, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини ошириш борасидаги ишлар билан бирга, келгусида олдимизда турган асосий вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ҳали бу жараёнда қилнажак эзгу ва хайрли ишларимиз ҳақиқатан ҳам мўл ва бисёр.

Биз шаҳарлар тикламоқдамиз, қишлоқ ва кентларни обод қилмоқдамиз, йўллар ва кўприклар, боғлар ва чорбоғлар, корхона ва иншоотлар барпо этмоқдамиз. Аини пайтда, улғу бобокалонлари каби оламни илму ирфон билан забт этсин, деган эзгу ниятлар билан фарзандларимизга таълим-тарбия бермоқдамиз.

Биз бугун Янги Ўзбекистон аталмиш гўзал ва бетимсол Ватанини бунёд этар эканмиз, уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга халқнинг фарзандлари эканлигини, миллат тили — давлат тили, давлат тили — миллат тили бўлганига қадар не-не синовлар қатагонлардан ўтиб келганимизни, халқнинг бошига не балою қазолар тушган бўлса, тилининг ҳам бошидан шу савдолар кечанини бир лаҳза бўлса-да унутмаслигимиз лозим.

Мир Алишер Навоий бобомиз “Аҳли саодатлар руҳбахш зулолига манбаъ ҳам тил, аҳли шақоватлар наҳс кавкабига матлаъ ҳам тил”, дебон ҳикмат битаркан, албатта, биз келажак авлодларни ҳам назарда тутгани шак-шубҳасиз. Бобокалонларимизнинг сўзлари ҳикмат баробарида аини пайтда биз учун оғоҳлантириш даъвати ҳамдир.

Президентимиз ташаббуси билан Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Алишер Навоий номидаги халқро мукофот таъсис этилгани, ўзбек тилида “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлиги чоп этилаётгани, энг аввало, она тилимизнинг дунёвий шухратини ошириш мақсадини кўзлайди.

Аини пайтда тил ва адабиёт бўйича анжуманларимиз танлов ва семинар-кеңашларимиз мунтазам ўтказилмоқда. Пойтахтимизнинг қоқ марказида барпо этилган Адиллар хиббони ҳам миллатимиз, она тилимиз барҳаётлиги йўлида заҳмат чеكкан атоқли шоир ва ёзувчиларимиз хотирасига янги замонларнинг ҳурмат-эҳтироми тимсоли сифатида хизмат қилмоқда.

Шоир ва ёзувчиларимиз Туркия, Олмония, Озарбайжон ва Тожикистон диёрларида ўз она тилида шеър айтиб, ҳикоя сўйлаб, ўзбек адабиёти яловини баланд кўтариб, ёруғ юз билан қайтмоқдалар. Бу йил Президентимиз қарори билан таваллудининг 110 йиллиги кенг нишонланаётган оташин шоиримиз Усмон Носир “Бемехнат севмайман тирки тилинми”, деган ҳикматли сатрлари билан гўёки келажак авлод ижодкорларига мангу вазифа юкляб кетгандай туюлади.

Она тилимизнинг кўрку таровати, мавқе ва мақоми йўлидаги чекаётган барча эзгу заҳматларимиз муборак бўлсин.



Бу дунёда миллат бўлса — давлат яшар,
Давлат бўлса — бу дунёда миллат яшар.

Давлатинг бор — миллатинг бор агар билсане,
Миллатинг бор — давлатинг бор асрай билсане.

Ёфас боболардан ёдоғур хилқатимсан,
Она тилим, миллатимсан, давлатимсан...

Сўз мулкида султонликни бола шерга —
Лутфий бўлиб лутф этган зот Алишерга.
Самарқандсан — буюқларга бешик бўлган,
Маънавият дунёсига зийк бўлган,
Олам аҳли аро ҳамон хайратимсан,
Она тилим, миллатимсан, давлатимсан.

Бобур Мирзо соғинган ул қовунлардай,
Қолиб кетдинг не-не довул, қунонлардай.
“Бобурнома”не жабронманг бўлди сенинг,
Ҳар номанг бир сабрноманг бўлди сенинг.
Авлодларга манеу мерос дастхатимсан,
Миллатимсан, она тилим, давлатимсан.

Ёддан чиқмас Қодирий ҳам Чўлпонларинг,
Жонлар чериб тўлаб кетган ўлпонларинг.
Адабиёт яшаса гар — миллат яшар,
Миллат яшар — адабиёт яшаса гар.
Авлонийсан, Беҳбудийсан, Фитратимсан,
Давлатимсан, она тилим, миллатимсан...

Ҳар қизинг, ҳар болангни мен болам дедим,
Болам дедим, бағримдаги лопам дедим.
Ай боламай, қандо асал тилларингдан,
Тилларингдан айланайин, тилларингдан!
Бу дунёда қолар меҳру шафқатимсан,
Давлатимсан, она тилим, миллатимсан...

Тасанно деб ёзган эдим, яна ёзай,
Ёниб ёзай, кеча-кундуз ёниб ёзай:
Шавкатли эл бу дунёда давлатлидир,
Давлатли эл олам аро шавкатлидир.
Олам узра юксак шаъно шавкатимсан,
Давлатимсан, она тилим, давлатимсан.

ФЕСТИВАЛЬ

Марғилон шаҳрида аънавий халқаро тўқимачилик “Атлас байрами” фестивали бўлиб ўтмоқда. Бешинчи бор ўтказилаётган ушбу фестиваль доираси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бу ерда хунармандлик, тўқимачилик ҳамда либослар дизайнини яратиш борасида иш тажрибалар оммалаштирилмоқда, янги ташаббуслар қўллаб-қувватланапти.

Бу бежиз эмас. Камалак рангда товланган сержиле атласлар, ўзгилгимиз рамзига айланган кетган қалампирмунчоқ дўппилар етти иқлимда маълум ва машҳур. Аиниқса, ипак матолардан тайёрланган атлас, адрас, шойи тўқилиш услуби, турфа ва табиий ранглари ўзида мужжасам эта олгани билан барчани мафтун этади. Марғилонда беағи ва тўқуш услуби бўйича бир-бирдан фарқ қилувчи ўнлаб турдаги ипак матолар ишлаб чиқарилади.

Марғилон — жаҳон хунармандлари шаҳри

Жаҳон хунармандлар кенгаши томонидан Марғилон шаҳрига “Жаҳон хунарманд-

лари шаҳри” деган юксак мақом берилди. Бугунги кунга дунёнинг тўрт қитъасидаги 57 та шаҳарга бундай эътирофга сазовор бўлган.

Қўқондан сўнг Марғилоннинг ушбу рўйхатга киритилгани Фарғонада халқ амалий санъатини ривожлантиришга катта аҳамият берилаётганидан далолат. Ўзбек миллий хунармандлиги маркази бўлган Марғилоннинг атлас ва адраслари, Риштоннинг қуллолик санъати, Қўқоннинг ёғоч уймақорлиги ва нақшошлик мактаблари дунёга машҳур.

— Марғилон азалдан атлас ва адрас тайёрлашнинг тарихий маркази бўлиб келган, — дейди “Хунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзааҳмедов. — Эрамиздан аввалги III асрда ҳам Марғилон хунармандлари ипакдан матолар тўқигани ва Осиёдан Европага қадар етказиб бергани борасида илмий-тарихий асослар бор. Бугунги кунга қадар “уста-шоғирд” аънавоси орқали хунармандларнинг оилавий сулолалари авлоддан-авлодга касб сирларини етказиб, ургатиб келмоқда.

Аини пайтда Марғилон ва унга туташ туманларда мато ва гилам тўқимачилиги, миллий либос ва миллий пойабзал, мискарлик сингари хунармандлик йўналишларида 3 мингга яқин оила шуғулланади.

— Атлас ва адрас ҳақида гап кетганда, кўпчилик биринчи бўлиб Валиевларни



тилга олади, — дейди фестиваль иштирокчиси, моҳир хунарманд Нурмухаммад Валиев. — Ўзим бешинчи авлод вакилиман. Президентимиз, ҳукуматимизнинг юксак эътибори, қўллаб-қувватлаши туфайли ипак матолар ишлаб чиқариш, сотиш ва экспорт қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Урни келганда айтиш кераки, бундай кунларни ота-боболаримиз оруз қилиб ўтиб кетишиди. Бугун дунёнинг қай нуқтасига борманг, Марғилон атласи ва адрасини яхши билишасди. Ипакдан, пахта толасидан, жундан турли матолар тайёрлаш, уларга гул босишни йўлга қўйганимиз, йил сайин фаолиятимизни кенгайтиряймиз. Ўғилларим, набираларим ҳам бу соҳанинг усталари бўлиб камолга етмоқда.

Дунё эътирофи

Фестивалда дунёнинг 21 та давлатидан 90 га яқин моҳир дизайнер, таниқли маданият арбоблари, санъатшунос олимлар иштирок этмоқда.

— Миллий хунармандлик, халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, шу йўл билан халқларнинг бой маданият мероси ва тарихий аънаваларини сақлаш ва ривожлантиришда бундай фестивалларнинг ўрни беқиёс, — дейди Малайзия тўқимачилик уюшмаси вице-президенти Эдрик Онг Лиан Бинни. — Малайзияда ҳам табиий матолардан маҳсулотлар тўқуш кенг ривожланган. Қизиқarli жиҳати, марғилонлик ва бизнинг хунармандлар томонидан

яратилган ранг-тасвирлар кўриниши, тўқуш услуби бир-бирига ўхшаб кетади. Бу ерда ҳар бир матолар учун хомашё ва тайёр маҳсулот тайёрлаш жараёнлари ҳамда иш амаллари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдим. Хунармандлар юртининг гўзал шаҳарга келганидан мамнунман. Таассуротларим бир олам. Аиниқса, бу ернинг самимий ва очик чеҳрали одамлари, ёқимли об-ҳавоси таърифига тил ожиз.

— Ипак матолари материалшунослиги бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораган, — дейди мўғулстонлик Вася На. — Иланишларимга алоқадор жиҳатлар қўллиги боис, менда бу фестивалда иштирок этиш иштиқий тугилди. Бу сеҳрли ва хузурбахш соҳага аини пайтда янги технологиялар, инновацион лойиҳалар татбиқ этилмоқда. Лекин марғилонлик усталарнинг йўналиш ва услублари жуда қизиқарили. Атлас ва адрасга қадимдан қўлланув келаятган услублар воситасида ажабтовур нақш ва жило бахш этилиши мени ҳайрон қолдиряпти. Бу ерда пахта, жун ва ипак матоларни тайёрлаш ва улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида ўзгача йўللари кузатилган. Оддий кўл кучи билан яратилаётган маҳсулотлар беназир. Менга мўъжизани эслатяпти.

— Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик алоқалари янги босқичга чиқаётгани биз каби хунармандлар учун қувонарли ҳол, — дейди тожикистонлик

Абдуқаҳор Ҳамдамов. — 2019 йили Қўқонда ўтган Хунармандлар фестивалида иккинчи ўрин соҳиби бўлгандим. Утган давр мобайнида ўзбекистонлик ҳамкасбларимдан ўрганганларимни амалиётга жорий қилиб, иш фаолиятимни янада ривожлантирдим. Бугунги фестиваль миллий хунармандлик аънаваларини тарғиб этиш, ривожлантиришда янги имкониятлар яратишга ишонман.

Фестиваль доирасида кўҳна масканнинг барча хиббон ва майдонларида халқ сайиллари, аския ва катта ашула ихрочилиги, кураш мусобақалари, дорбозлик, кўғирчоқбозлар чиқишлари бўлиб ўтди. Шунингдек, “Хунармандлар шаҳарчаси”да нафақат республикамиз, балки Тожикистон, Қирғизистон, Қозғоғистондан келган хунармандларнинг сара маҳсулотлари намойишига кенг ўрин ажратилган. Маҳаллий ва хорижий дизайнерларнинг либослар намойишлари, тўқимачилик усталарининг маҳорат дарслари, кўрғазма ва илмий-амалий анжуманлари бўлиб ўтмоқда.

Бешинчи халқаро фестивалда Жаҳон хунармандлар кенгаши президенти жаҳон Саад ал-Қадумий Марғилон шаҳрига “Жаҳон хунармандлари шаҳри” мақоми берилганини эълон қилди

Бир қараганда оддий ишдек кўринган юмушлар кишидан сабр-бардош, ҳалол меҳнатни талаб этади. Шу сабабли қўлгуп чеварлар қалб қўри, меҳрига пайваста яратилган беназир ипак маҳсулотлари асрлар давомида дунё ҳамжамиятини ўзига мафтун этиб келган ва келмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1064.
80471 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон қўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусахҳиж: Малоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар қўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 03:35 Тошчириғди — 04:05